

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Қишлоқ мулкдорлари

## МАҚСАД АНИҚ, РЕЖА ПУХТА

Зангиота тумани Тўқимачи қишлоғидаги "Миришкор Сайфутдинов Хонзода" фермер хўжалиги раҳбари Заҳриддин Сайфутдинов дастлаб ишқибозларни мамлакатимизда камдан-кам учрайдиган гул навлари билан таъминлар эди. Кейинчалик, интенсив боғ яратиш тадоригида юрган боғбон-

ларга дурқун кўчатлар етказиб беришни йўлга қўйди. Фарзандларини қанотига олиб, 100 гектарга яқин майдонда 40 ишчиси билан ҳаммадан то сумбулагача аҳолини ширин мевалар, полиз ва сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаб келаяпти.

Яқинда Заҳриддин Сайфутдинов республикада биринчилар қатори ариқ ва зовур қазийда, айниқса, биогазли иссиқхона қуришда жуда қўл келадиган JCB3CX техникасини сотиб олгани ҳақида хабар топиб, мўъжазгина кўчатхонасида бўлди. Мевали ва манзарали дарахт кўчатларининг ўналаб турлари ва 100 дан зиёд гул навлари етиштирилаётган экин.

Даромад ҳам меҳнатимизга яраша бўлаяпти, — дейди фермернинг ўғли, хўжалик иш юритувчиси Заҳриддин Сайфутдинов. — Интенсив боғлар учун ҳозирча фақат олма кўчати етиштириб бераёلمиз. Мухими эса, гул нектаридан хушбўй атир олиш ҳусусида жиддий бош қотиряёلمиз. Хорижий мутахассислар билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Деярли ҳаммаси тахт бўлди ҳисоб.

Заҳриддин Сайфутдинов билан Қумовулдаги тadbирда кўришиб қолган эдик. Вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги илғор тadbиркорлар, хунарманд ва фермерлар тайёрлаган маҳсулотлар кўрғазмаси ташкил этилганда ўшанда. Фермер намойишга қўйилган биогазли иссиқхонанинг афзалликлари ҳақида биланганини гапириб, келгусида хўжалигида шундай иссиқхона қуришни, шунингдек, мева ва полиз маҳсулотлари сакланадиган сигими 400 тонналик омборхонани ишга туширишни мақсад қилганини айтганди. Демак, JCB3CX техникасини бежиз сотиб олмаган экан.

Бекзод ХИДОЯТОВ,  
Даврон АҲМЕДОВ,  
"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.



Хотин-қизлар кўмиталари бошланғич ташкилотларида

## ЭНГ АСОСИЙ ТАЯНЧ



Мамлакатимиз раҳбарининг "...оиладаги, қолаверса бутун жамиятдаги мувоzanати, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб турибдилар" деган сўзлари Аёл зотига берилган энг юксак баҳо, шунингдек, уларга бўлган беқиёс умид ва ишонч ифодасидир. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси шу ишонч ва умидни оқлаш учун тинимсиз интилиш ва изланишда.

Тошкент Давлат аграр университетида "Хотин-қизлар кўмиталари бошланғич ташкилотлари фаолияти орқали аёлларнинг оила ва ижтимоий-маънавий турмушдаги фаоллигини оширишнинг замонавий ёндашувлари" мавзусида ўтказилган семинар-тренинг шу мақсадга қаратилди. Унда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиева сўзга чиқди.

Президентимизнинг "...аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ва ўрнини кўтариш давлатчилигимизнинг устувор йўналишларидан биридир" деган сўзлари юртимизда аёлларнинг ижтимоий ҳуқуқлари кафолатланганидан далолат беради. Бу эса ўз навбатида аёлларимизга имкониятлар эшигини кенг очиб, иқтидор ва салоҳиятларини намойиш этишларига замин яратди...

Сайёра ЭШМАТОВА,  
Еркебой БОТИРОВ  
олган сурат.

Иқтисодиёт

Президентимиз раҳнамолигида ёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми-корхоналарни техник ва технологик янада кўпайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

## «LOTOS GOLD» МАҲСУЛОТЛАРИГА ТАЛАБ ОШМОҚДА

Бунда маҳаллий ва хорижий инвесторларни кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратиладигани самарасида корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотларнинг тури, сифати, ҳажми ва рақобатбардошлиги ошаётди.

Мазкур йўналишдаги ишлар самарасини Бўстонлик туманидаги "Lotos gold" масъулияти чекланган жамияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Чет эллик тadbиркорлар ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу корхонада айни кунда тўрт

хил кир ювиш кукуни ишлаб чиқарилмоқда. Корхонанинг қўлда, ярим автомат ва автомат машиналарда кир ювиш учун тайёрланаётган маҳсулотлари 300 граммдан 1800 граммгача бўлган қоғоз ва полиэтилен идишларга қadoқланмоқда. — Ўтган йили 6 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариб, унинг бир қисmini экспорт қилдик, — дейди "Lotos gold" раҳбари ўринбосари Улғабек Қудратов. — Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармон ва қарорлари асосида тadbир

биркорларга берилган имтиёзлар туфайли шундай ютуқларга эришмоқдамиз. Фаолиятимизни кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш имкониятларига эга бўлмоқдамиз.

Яратилган имтиёзлардан фойдаланиш натижасида ўтган йили 800 миллион сўм маблағ иқтисод қилиниб, унинг бир қисмига иккита қadoқлаш ускунаси сотиб олинди. Шу кунларда цехга ўрнатилаётган янги техникалар иш унумдорлигини янада оширади.

(Давоми 2-бетда).

Аждодлар ёди

## САМАРҚАНДДА БИР КУН

Қадимий ва навқирон шаҳар Самарқандни бир кўриш, аждодлар хоки — муқаддас қадим-жоларни зиёрат қилиш орзуси нафақат ватандошларимиз, балки чет элликларни ҳам бу дийрга оҳанрабодек чорлаб турлади.

Бундай эзгу ниятнинг рўйиби истиқлол йилларида чин маънода юз очди, ўз ёғдуси билан эл-улус қалбини нурафшон этди. Энди узокни яқин қилгучи текис, раvon йўллари замонавий автоуловлар бисёр. Аммо, юқори тезликка мослашган, Мустақил

давлатлар ҳамдўстлигида ягона — Talgo тезкор "Афросиёб" поездини ҳақиқий мўъжиза, истиқлол неъматидеи ҳақиқий мўъжиза, истиқлол неъматидеи ҳақиқий мўъжиза, истиқлол неъматидеи ҳақиқий мўъжиза, истиқлол неъматидеи ҳақиқий мўъжиза.

(Давоми 2-бетда).

Эътироф

Москвада Ўзбекистоннинг 2013 йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёти кўрсаткичлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳамда Россия Федерацияси билан икки томонлама муноса-

батларни мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тadbир чоғида Россиянинг таниқли экспертлари ушбу масалалар юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

## «ТАРАҚҚИЁТНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ» АМАЛДА ЎЗИНИ ТўЛА ОҚЛАМОҚДА»

**Александр ЦЫБУЛЬСКИЙ, Россия Иқтисодий тараққиёт вазирлигининг МДХ мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича департаменти директори:**

— Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд. Ўзаро алоқаларни янада чуқурлаштириш учун тизимли қадамлар ташланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2013 йил апрель ойида Москвага буюрган расмий таширифи мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликка кучли туртки ва юксак ўсувчанлик бағишлади. Чунки мазкур ташир чоғида иқтисодиёт йўналишини кенгайтган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди. Улар орасида Сармояларни рағбатлантириш ва Ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги Битим, 2013-2017 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик дастури ва бошқа ҳужжатлар бор.

Эришилган келишувларнинг муваффақият билан ҳаётга татбиқ этилишида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро

комиссиянинг фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Андрей ХРИЕНКО, "Вектор" Стратегик тadbиркорлар ҳаққорой институти директори:**

— Дунёнинг қатор мамлакатлари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози асоратларидан қутула олмаётган ҳозирги шароитда Ўзбекистон жиддий ва самарали иқтисодий тараққиётни намойен қилмоқда. Бугунги кунга қадар статистика маълумотлари Президент Ислмо Каримов томонидан ишлаб чиқилган, республика ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг асосий таъминчиларини белгилаб берган "Ўзбек модели" ўзини амалда тўла оқлаётганини кўрсатмоқда.

Россия томони Ўзбекистон иқтисодиётининг изчил ва барқарор ривожланаётганини кўриб турибди. Бу далил эса ҳар икки мамлакат ҳар қамровли масалалар бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканлигини ишонч билан қайд этишимизга имкон беради.

**Тамара ГУЗЕНКОВА, Россия Стратегик тadbиркорлар институтининг ўринбосари, Яқин хориж мамлакатлари**

**муаммолари тadbиркорлари маркази директори:**

— Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти менда чуқур таассурот қолдирди.

Энг аввало, Ўзбекистонда кейинги йиллар давомида ялпи ички маҳсулот ўсишининг барқарор кўрсаткичлари қўлга киритилаётгани эътиборга сазовордир. Дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатлари иқтисодиётини пасайиш қузатилаётган бир пайтда Ўзбекистон ана шундай юқори натижаларга эришмоқда. Агар ўсиш суръатининг шундай даражаси сақланиб қолар экан, мамлакат иқтисодий қудратининг янада мустаҳкамланишига шубҳа йўқ.

Шу ўринда республиканинг экспорт салоҳиятини изчиллик билан ошириб бораётганини ҳам қайд этиш керак. Ўзбекистон ҳудудида замонавий автотомобиллар, юк машиналари, қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқарадиган ва юқори технологияга асосланган бошқа йирик ишлаб чиқариш компаниялари муваффақият билан фаолият кўрсатаётгани бу йўналишдаги имкониятларнинг кенгайиб боришига кўмаклашмоқда.

"Жаҳон" АА.  
Москва.

Қарор ва ижро

## ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИГУЛИК

Республика Президентининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига биноан барча туманларда дастурий ишлар қизгин давом этаёпти. Бекобод туманининг Тошкент ва Мустақиллик кўчаларида 50 та бино реконструкция қилинади. Тошкент кўчасида икки ва ундан юқори қavatли 30 та уй қуриляпти.

Бўстонлик туманидаги Ибн Сино ва Нурчлар кўчаларида лойиҳада белгиланган ишларни бажариш учун "Тули Шарқ" қурилиш масъулияти чекланган жамияти, ҳамда "Шахрийер — дил" хусусий корхоналари жалб этилди. Бу икки кўчада топографлар гуруҳи иш олиб бормоқда. Зангиота туманидаги К. Гафуров ва Амир Темур намунавий кўчаларида 90 та тураржой ва 163 та нотураржой бинолари қурилиши мўлжалланган. Икки ва ундан юқори қavatли уй-жой, савдо ва маънавий хизмат объектлари қурилиши бошланди.

(Давоми 2-бетда).

Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Ангрен шаҳар бўлими мутахассислар тайёрлаш мактаби фаолиятини қайта йўлга қўйди.

## ФАОЛИЯТИ ҚАЙТА ЙўЛГА ҚўЙИЛДИ

"Кўктерак" маҳалласидаги ушбу автомобиль мактаби 75 нафар курсантни қабул қилди. Бу ерда улар соҳа бўйича назарий ва амалий машғулотларни ўтказиб билан бирга ҳарбий ватанпарварликка оид маънавий-маърифий тadbирларда ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

## МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Пискент туманидаги Ёшлар боғида "Пискент ҳаёти" газетаси соврини учун шахмат мусобақаси ўтказилди.

Баҳсларда тумандаги шахматта қизиқувчи турли ёшдаги фуқаролар фаол қатнашдилар. 1-мактаб ўқувчиси Зафар Миралиев, 5-мактаб ўқувчилари Фазлиддин Йўлдошев ва Азиз Зойидонов голибликни қўлга киритдилар. Эрақлар ўртасида дўнқўрғонлик фермер С. Сирожидинов биринчи ўрнини эгаллади. Хотин-қизлар ўртасида голибликка 1-мактаб ўқувчиси М. Тоирова сазовор бўлди.

Юлдузхон  
МУҲИДИНОВА.



Фармон ва ижро

Республика Президентининг "Ангрен махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги Фармониغا асосан юқори қўшилган қийматга эга рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этишга қулайлик яратиш, шунингдек вилоятнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали

фойдаланиш, шу асосда янги иш жойлари яратиш ва аҳоли даромадлари ни ошириш мақсадида "Ангрен махсус индустриал зонаси" ташкил этилади. Фармонга мувофиқ, "Ангрен махсус индустриал зонаси"нинг фаолият юритиш муддати 30 йил қилиб белгиланган (бу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин). Шу муддат давомида фаолият юритадиган корхоналар учун махсус солиқ тартиби ва божхона имтиёзлари амал қилади.

## ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИАТ

Хусусан, юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи, уларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузильманни ривожлантириш солиғини тўлашдан, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек республика йўл жамгармасига мажбурий ажратмалар, республикада ишлаб чиқарилмайдиган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида "Ангрен махсус индустриал зонаси" ҳудудига Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб қилинадиган усуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар бож тўловлари (божхона йўлғимларида ташқари) тўлашдан озод қилинган.

Юқорида кўрсатиб ўтилган имтиёзлар киритилган инвестицияларнинг ҳажмига қараб 3 йилдан 7 йилгача, жумладан, 300 миң АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача 5 йил, 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда 7 йил муддатга берилади. Фармонга мувофиқ,

"Ангрен махсус индустриал зонаси" фаолиятининг асосий вазибалари ва йўналишлари аниқ белгилаб қўйилган. Ички ва жаҳон бозорларида рақобатбардош, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни барпо этиш ва уларнинг самарали фаолият юритиш учун инвестициялар, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга қулай шароитлар яратилади. Махсус индустриал зонага кирувчи минтақанинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш таъминланади. Минерал-хом ашё ресурсларини янада чуқурак қайта ишлайдиган янги ишлаб чиқаришлар барпо этилади. Махсус индустриал зона ва умуман, республика корхоналари ўртасида мустаҳкам кооперация алоқалари ўрнатиш ҳамда санаториал кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий хом ашё ва материаллар негизда юксак технологияли маҳсулот ишлаб чиқаришни

маҳаллийлаштириш жараёниларни чуқурлаштирилади. Транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузильманни жадал ривожлантириш, "Ангрен логистика маркази" салоҳиятини, юқларни автомобиль ва контейнерларда ташиш тизимини янада яхшилаш, улардан кенг қўлашда фойдаланиш таъминланади.

Бугунги кунда "Ангрен махсус индустриал зонаси" ҳудудига хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган бир қатор ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритиб, белгиланган тартибда солиқ ва божхона имтиёзларидан фойдаланган ҳолда ёритиш лампалари, металл кулур, техник мой, кўмир брикет, электрод, гипс ва санитар-керамик маҳсулотлар, пардоз учун ишлатиладиган гишт, керамик гишт, омухта ем ҳамда ишлов берилган чарм каби кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

**Ж. НУРИДДИНОВ,**  
вилоят адлия божқармаси камерал назорат бўлими бошлиғи.

### Аждодлар ёди

## САМАРҚАНДАДА БИР КУН

"Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари тахририяти ҳам ўз ходимлари учун юртимизнинг тарихий ва маданий ёдгорликларини, истиқлол йилларидаги бунёдкорлик ишларини кўриш, зиёрат қилиш мақсадида Самарқандга саёхат уюштирди. Халқимиз таъбири билан айтганда, "кўз очиб юмгунча" манзилга етказиб қўйган "Афросиёб" да йўловчилар учун беқийёс қулайликлар муҳайё: замонавий жиҳозлар, тоза, озода, юмшоққина ўриндиқлар, радио-телеушуналар, юксак маданиятли хизмат кўрсатиш: кийимлари ярашган хушбичим, хушсурат, хушмуомала йигит-қизлар...

Самарқандга қадам қўяр эканмиз, шарқона тақаллуддан кўнгиллар яйради. Бу заминни "ер юзининг сайқали" дейишлари бежиз эмас. Буюк бобокалонимиз Амир Темури замонидаги бемисл бунёдкорлик намуналари: Регистон ансамбли, Шохизинда, Гўри Амир, Бибихоним, Мирзо Улугбек расадхонаси. Истиқлол йилларида қад ростлаган Имом ал-Бухорий ёдгорлиги. Янгидан барпо этилган Мирзо Улугбек хайкали, обсерваториянинг таъмирланган кўркям кўриниши, обод қўчалару ёш оилаларга қурилаётган замонавий тураржойлар... Буларнинг бари саёхатчиларда катта таассурот қолдиргани, ўтмишю кежаги буюк мустақил Ўзбекистонга меҳр-муҳаббат, садоқат туйғуларини шакллантиргани шубҳасиз.

**Сайёра РИХСИЕВА,**  
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

### Ишлаб чиқариш

## ЯРОҚСИЗ ШИНА — ЧИҚИНДИ ЭМАС

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан "Тошкент шина тиклаш заводи" масъулияти чекланган жамиятига медиатур ташкил этилди.

Тадбир иштирокчилари мазкур корхонада резина чиқиндиларини қайта ишлаш, жумладан, автошиналарни реставрация қилиш ҳамда резина маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича амалга ошириладиган ишлар билан яқиндан танишди.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси вакиллари айтишича, мамлакатимизда яроқсиз шина ва резина маҳсулотлари маийш чикиндиҳоналарга ташланмоқда, бир қисми ёқиб юборилаётди. Бу маълум миқдорда атроф-муҳит мусаффолигига зарар етказмоқда.

Тегишли идоралар ҳамкорлигида ушбу муаммони бартараф этиш бўйича умийн ишлар амалга оширилади. Аҳоли, корхона ва ташкилотлардан резина маҳсулотлари, жумладан, ишлатиб бўлинган покришқаларни йиғиш ва уни қайта ишлайдиган корхоналар фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

"Тошкент шина тиклаш заводи" замонавий техни-

ка ва технологиялар билан жиҳозлаган. Корхонада қайта ишланаётган шиналардан олинаётган каучукдан бир неча хил резина маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Қайта ишлаш жараёнида ажратилаётган сим "Ўзметкомбинат" очик акциядорлик жамиятига топширилмоқда.

Йилига 1500 тонна резина чиқиндисини қайта ишлаш қувватига эга заводда тайёрланган товарлар шартнома асосида "Ўзбекистон темир йўллари", "Ўзавтосаноат" компаниялари ва бошқа корхоналарга етказиб берилмаётди.

— Ёски шиналарни йиғиш бўйича ишларни изчил ривожлантиришмоқда-ми, — дейди корхона раҳбари Саидқарим Фозилов. — Шунингдек, мавжуд технологияларни яхшилаш, ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш чоралари кўрилади.

Медиатурда журналистларни қизқитирган саволларга атрофлича жавоб берилди.

**Ў.А.**

Қибрай туманидаги Зебунисо кўчасида тўртта 4 қаватли, 24 хонадонли уйлар қад ростлапти. Юқори Чирчиқ тумани, Янгибозор шаҳарчаси бош режасига мос равишда "Силвер эл Декор" МЧЖ намунавий кўчаларнинг кўринишини лойиҳалаштирди. Ҳозир "ЎЗГАШ-КЛИТИ" давлат унитар корхонаси мутахассислари топоҳарита тузишмоқда.

Вилоятнинг Паркент, Пискент, Янгийўл, Бўка, Оққўрғон, Оҳангарон, Қуйи Чирчиқ, Чиноз тумани ҳамда Чирчиқ, Олмалик, Ангрен шаҳарларида уй-жойлар қурилиши жадал борапти.

Дастурда Ўрта Чирчиқ тумани "Тошкент — Тўйтепа" йўли ва Тошкент йўли кўчасини намунавий қилиб, янгидан қуриш ва

(Давоми. Боши 1-бетда).

### Бунёдкорлик

## МУСИҚАЛИ ФАВВОРА ЯРАШГАН БОҒ

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг "2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техник базисини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида Янгийўл туманидаги "Алишер Навоий гушани" маданият ва истироҳат боғи янгича қиёфа касб эстади бўлди. Дастлаб ўрнатилмаган замонавий ўйин қурилмалари ва анжомлари рўйхати тузилди.

— Мазкур боғ 1933 йилда фаолият бошлаган, — деди раҳбар Сайёра Мамадалиева. — Ҳашар йўли билан тўлиқ реконструкция қилинганга ҳам 10 йилдан ошиб қолди. Айни кунларда боғ ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилмоқда. Туман газ таъминоти, электр тармоқлари, халқ таълими, почта-алоқа, санитария ва эпидемиология бўлимларининг кўмаги айниқса сезиларли.

Боғ маъмурияти "XADICHA-KIDS" масъулияти чекланган жамияти билан шартнома тузиб, ишга киришиб

реконструкция қилиш белгиланган. "ЎЗГАШ-КЛИТИ" давлат унитар корхонаси институти "Тошкент — Тўйтепа" йўлининг 5,2 километри топоҳаритасини ишлаб чиқди. Қолаверса, шу кўча бўйлаб 4 километр

## ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИГУЛИК

масофадаги топоҳарита ишлари бошлаб юборилди. "Умар проект" масъулияти чекланган жамияти ва "Мумтоз-Тожмаҳал" лойиҳа ташкилотлари қайта қуриш ишларини олиб бормоқда. Шунингдек, кўчанинг бош режа-лойиҳаси ҳам тайёр.

Ўрта Чирчиқ тумани Бектемир қишлоғида яшовчи хусусий тадбиркор Бобур Исоқов ҳам шу кўчанинг обод бўлишига ҳисса қўшмоқда. Биз унинг фикрлари билан қизиқдик:

— Мен қураётган би-

лар, ёш оилалар ҳамда қишки мавсумга мўлжалланган. Кичик футбол ва бадминтон майдончалари ҳам қурилади. Лойиҳа учун "Тошвилеотипотека" банки 200 миллион сўм имтиёзли кредит ажратди. Бинонинг қурилишига камида 18-20 та ишчи-қурувчилар жалб қилинган. "Мумтоз-Тожмаҳал" лойиҳалаштириш хусусий корхонаси раҳбари Абдумалик Абдуллаев сув ҳавзаси қурилишига кўмак берапти.

Қурилаётган янги уйларнинг биринчи қаватида савдо ва маийш хизмат кўрсатиш объекти қурилади, иккинчи қаватида эса аҳоли яшайди. Қурилиш ишлари яқинда бошланганига қарамай, 12 та уй битказилди.

**Ширинқол МЎМИНОВА,**  
ЎзДЖТУ талабаси.



кетган. Мини-футбол майдончаси қуриб, битказилмоқда. Бинолар реконструкция қилиниши

билан хориждан 8 та аттракцион, турли ўйин қурилмалари олиб келинади. Рангли ва муסיқа-

### Иқтисодиёт

## «LOTOS GOLD» МАҲСУЛОТЛАРИГА ТАЛАБ ОШМОҚДА

Корхонада суолтирилган саликат ишлаб чиқариш бўлимининг барпо этиш ҳам иқтисод қилинган пул мақсадига эвазига амалга оширилмоқда. Бунёд этилаётган цехни йил охиригача ишга тушириш кўзда тутилган бўлиб, яна ўн нафар йигит-қиз доимий иш билан таъминланади.

"Ташаббус — 2014" республика кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичида иштирок этиб, "Энг яхши тадбиркор" номинацияси бўйича иккинчи ўринни банд



этан "Lotos gold" жамоати хорижий йилда 2013 йилга нисбатан анча кўп — 6,5 миң тонна маҳсулот ишлаб чиқариш, четга 500 миң долларлик кукун сотишни мақсад қилган.

Маҳсулотига талаб ошиб бораётган "Lotos gold" да 87 нафар ишчи-хизматчи фаолият олиб бормоқда. Уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлардир.

— Бу ерда иш бошлаганимга бир йилдан ошди, — дейди Бўстонлиқ иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежини битирган Миромил Мирсиддиқов. — Корхонада самарали меҳнат қилиш, кўнгилдагидек дам олиш учун барча шароитлар яратилган.

**Х. САЛИМОВ,**  
Ў.А. муҳбири.

### ЭЪЛОН

## ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

1. Дудланган гўшт
2. Товуқ туҳуми Д-1 (O'zDSt 626-2004)
3. Мева шарбатлари (сок, компот)
4. Сметана 30 фоиз
5. Творог 18 фоиз
6. Пишлоқ 45 фоиз
7. Кифир 2,5-3,2 фоиз
8. Томат пастаси 30 фоиз
9. Карам янги узилган
10. Лавлаги
11. Сабзи
12. Помидор янги узилган
13. Бодринг янги узилган
14. Шолғом, турп, редиска
15. Қуритилган мевалар
16. Хамиртуруш (дрожжи)
17. Компот консерваланган

ларда иштирок этиш ва маҳсулотлар етказиб бериш бўйича фаолият таққиланмаган фермер ва дехқон ҳўжалиқлари, ишлаб чиқариш ва савдо корхоналари иштирок этишлари мумкин.

Эъма аризаларда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим: ҳўжалиқ субъектининг тўлиқ номи, почта манзили, телефон ва факс рақами, электрон почта манзили, Ф.И.Ш.

Эъма аризалар ва танлов таққиллари солинган конвертлар қуйидаги манзилга топширилади: Тошкент шаҳри, Амир Темури шоҳқўчаси, 17-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти. Эъма аризалар ва муҳрланган конверт 2014 йил 24 апрель кунидан кечиктирмасдан таққим қилиниши лозим.

Конвертга қуйидаги ҳужжатлар солинган бўлиши лозим:

- маҳсулотлар номи, нархи ва ҳажми кўрсатилган тижорат таққилиғи;
  - гигиена, сифат ва карантин бўйича сертификатлар;
  - лицензия, корхона низомини ва паспорт нусхаси;
  - солиқ ва хизмат кўрсатувчи банкдан қарздорлик мавжуд эмаслиги;
  - мавжуд ишлаб чиқариш майдонини, оғбор (музлаткич) тўғрисидаги маълумотномалар.
- Танлов таққиллари солинган конвертларни 2014 йил 25 апрель кунини Тошкент шаҳри, Амир Темури шоҳқўчаси, 17-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносида (4-қават) танлов қатнашчилари ёки уларнинг вакиллари иштирокида очиб режа-лаштирилмоқда.
- Маълумот учун телефонлар:**  
(8-371) 236-29-10, 233-75-11.

### Диққат, танлов!

## ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЁШ ЖУРНАЛИСТИ

Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Мустиқлик босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол гоюси руҳида жисмонан соғлом, маънавий етуқ, дунёқарашини теран ва мустиқлик қирилайдиган баркамол авлод этиб тарбиялаш, ёшларда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш, халқимиз менталитетига ёт бўлган турли иллатларга қарши курашиш қўнмикларини шакллантириш, ёш журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, иқтидорли ёшларни кашф этиш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида "Йилнинг энг фаол ёш журналисти" республика танловини ўтказди.

Танловда мамлакат оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ҳамда тахририятлар билан яқин ҳамкорлик қилаётган 30 ёшгача бўлган журналистлар иштирок этишлари мумкин.

Танловга таққим этиладиган ижодий ишларда Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, ёшларни Ватанимиз, халқимиз, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш масалалари, давлатимиз томонидан ёшлар учун яратиб берилган имкониятлар, шарт-шароитлар кенг очиб берилган бўлиши даркор.

Танловга таққим этиладиган материаллар 2014 йилнинг 1 ноябригача "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши (Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 11-уй)да қабул қилинади.

Танловга таққим этиладиган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- муаллифнинг паспорт нусхаси;
- тахририят ёки ўқув юртидан берилган тавсиянома;
- 4х6 ҳажмдаги 2 донга фотосурат;
- муаллифнинг боғлиқ телефони.

Танлов фойлиблари махсус диплом ва эсдалик совғалари билан таққирланади.

Танлов фойлибларига мукофотлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллик байрами арафасида топширилади.

**Мурожаат учун телефонлар:**  
170-90-27, 241-00-50.

## МОДЕРНИЗАЦИЯ ШАРОФАТИ

"Бекободшифер" масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқаришни модернизациялаш дастурига мувофиқ 2012-2013 йилларда ишлаб чиқариш техника ва технологиясига киритилган ўзгаришлар тўғрисида махсулот сифати яхшиланиб, рақобатбардошлиги ошди. Натижада 2013 йилда биржа савдоларига қўйилган шифер 2012 йилга нисбатан 47 фоиз кўпайди.

Корхона муҳандис-техник ходимлари сай-харакатлари билан маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ шу йил февраль ойидан бошлаб, рангли шифер ишлаб чиқаришга киришилди. Бу янги маҳсулот кўриниши ва сифати билан харидорларга маъқул бўлмоқда.

— Хитой ва Италия технологиялари асосида келгуси йилдан бошлаб евростандарт талабларига жавоб берадиган деворбоп плиталар ишлаб чиқаришни режалаштирганмиз, — дейди корхона раҳбари Хондамир Мамамов. — Шунингдек, мутахассисларимиз келгусида том ёпишга ишлатиладиган "Коньяк" копламаси ва саккиз тўлқинли черепица тайёрлашни йўлга қўйиш устида изланишмоқда. Бу лойиҳалар амалга ошгач, қўшимча иш ўринлари очилди.

**Каримқул МАВЛОНОВ,**  
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

### БЎКАДА ЯНГИ КОРХОНА

Бўка туманида уй-жой, машина, мол-мулк олди-сотдиси, турли шартнома матнлари ва бошқа зарур ҳужжатларни расмийлаштиришда қўмақлашувчи янги ташкилот иш бошлади.

"BEKOBOD KONCALTING SERVIS" ташкилоти "Ягона ойна" тўямойли асосида хизмат кўрсатмоқда. Ҳозирча икки киши билан иш бошлаган ташкилотда фаолият турларини янада кўпайтириш, келгусида камида 10 та янги иш ўрни яратиш мўлжалланган.

**Каримқул БОБОҚУЛОВ,**  
олган суратлар.

Қадриятлар бешиги

ҲАР КУНИ ЯХШИ БИР ЯНГИЛИК

Суннат Мақсудов 33 йилдан бери Қибрай тумани "Янгийўл" маҳалла фуқаролар йиғинига раислик қилади. Биринчи иши Бурота қабрстонини обод қилиш бўлди. Атрофи панжаралар билан ўралиб, дов-дарахтлар экилди. Уша пайтлари маҳалла идораси бир аҳволда эди. 1992 йили янгилашга киришди. Қўшимчасига ошхона, оғир, дам олиш хоналари, теннис ва футбол майдонлари ҳам қурилди.



Раис ўз хонадонидан кўра кўпроқ маҳалладагиларнинг ташвиши билан аңдармон. Унинг сайҳаракати билан 15 километр газ қувури тортилди. Қанчадан-қанча хонадонларга зангори олов кирди. Утган йил маҳалла аҳли учун қувончи келди. "Бурота" ва "Навбахор" футбол жамоалари ташкил этилди. Уларга маҳалла ҳисобидан спорт кийимлари олиб берилди. "Зулфияхон қизлари" кўрик-танловининг туман босқичида маҳалланинг Моҳинур Адхамова ва Хилола Усмонова каби қизлари муваффақиятли иштирок этишди. Шунингдек, 29-мактабнинг 5-синф ўқувчиларидан иборат гуруҳи "Юрт келажиги" кўрик-танловининг вилоят босқичида туман шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Маҳалланинг ўз кутуб-

хонаси ҳам бор. У 3 мингдан зиёд китоб фондига эга. Ҳар тўрт йилда "Маҳалла тарихини ўрганамиз" мавзусида танлов ўтказилади. Унда барча мактаб ўқувчилари иштирок этиб, ўзлари яшаётган маҳалла тарихидан билимлари синаб кўрилади. Ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланади. Раис маҳалла ишидан ортиб, "Янгийўл маҳалла тарихи" номли китоб эди. Унда ҳар бир хонадоннинг етти аждоди, яъни шажараси битилган. Бундай кичик тадқиқот ҳаммага манзур бўлди. Китобни ҳар бир хонадонда кўришишга мумкин. Буни қарангки, маҳалланинг музейи ҳам бор

экан. 2700 та экспонат кўйилган. Улар орасида, ҳатто, минг йиллик тарихга эга осориятиқалар ҳам учрайди. Этти хонадон лимон экиб, рўзгор тебратлади. Олдини бозорга, ортганини маҳаллага иланишди. Тўртта хонадон эгалари эса помидор этиштириш билан банд. Беш оила касаначилик билан шуғулланиб, касаси оқаряпти. Бирон кун хонада бўш ўтирганимизни эслай олмаман, дейди маҳалла фаоли Ёқубжон Исмоилова. Ҳар кунимиз яхши янгилик билан ўтади. Ҳозир ҳам 50 та кўп болали оилалар фарзандларини Тошкентга саёҳатга олиб боришни режалаштириб ўтиргандик.

ФАОЛЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ижроси доирасида Урта Чирчиқ тумани, Истиклол қишлоғида маҳаллалар аҳолисидан тушган оғзаки, ёзма мувожадатлар муҳофазат қилиниб, худудда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, саргарошхона, ху-

нармандчилик, хизмат кўрсатиш шабоҳчаларини ташкил этиш йўли билан иш ўринларини кўпайтириш, бўш биноларни фойдаланишга топшириш, ишсиз ёшлар ва коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш хусусида фикр алмашилди. Тадбирда иштирок этган фуқаролар йиғини раислари, маслаҳатчи ва посбонлар, шунингдек, "Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари"

бўйича комиссия аъзолари йиғилганларга тегишли йўл-йўриқ ва тушунчалар беришди. Тадбир якунида "Номданақ" маҳалласи "Энг яхши намунали маҳалла", "Мингтепа" маҳалласи "Энг обод маҳалла", "Қайтмас" маҳалласи "Маданий-маърифий ишлар бўйича фаол ижрочи" дея топилди, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди. Юлдазхон МУҲИДДИНОВА.

**Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси ҳар ойнинг учинчи чоршанбасида «Очиқ эшиклар кuni» ўтказилади.**  
Оммавий ахборот воситалари билан боғлиқ ўзингизни қизиқтирган барча масалалар ва саволлар юзасидан бошқармага ёки қуйидаги 233-68-25 «Ишонч телефони»га муурожаат этишингиз мумкин.

**"SHUKUR GRAND TRADE BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориши тартибидеда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!**  
Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари (мулклар) қўйилмоқда: 1. Олмалиқ ш. СИБ томонидан 18.11.2013 й. и.ч. №17586-сонли и.х.га асосан 2009 й. и.ч. "Пассетти" д.р. 10Х440НА. Бошланғич баҳоси – 37582000 сўм. Олмалиқ шаҳар ИИБ жарима майдонидеда сакланмоқда. Аукцион савдоси 2014 йил 18 апрель кuni соат 11:00 да бўлиб ўтади. Кўридаги автотранспорт воситалари (мулклар) билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар кuni (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланғичига бир иш кuni қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истигади бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси (мулк) бошланғич баҳосининг 10 фоизи микдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатидеда ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси (мулк) учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "SHUKUR GRAND TRADE BUSINESS" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалида қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800600274144001, МФО 01103, СТИР 302757392. Аукцион голиби сотиб олган автотранспорт воситаси (мулк) қийматини 5 банк кuni мобайнида тўлалигиче тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Тафаккур 1-тор кўчаси, 2-уй, 1-хонадон. Телефон/факс: (871) 215-54-59. Гувоҳнома № 007558.

**ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**  
Тошкент вилояти "Давтехназорат" инспекциясида тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг муурожаати учун қуйидаги **"Ишонч телефонлари"** ташкил этилганлигини маълум қиламиз: Тошкент вилояти қишлоқ хўжалиги техникаси бўйича давлат бош инспектори: 281-56-41. Тошкент вилояти "Давтехназорат" инспекцияси мутахассислари: 281-56-40. Тошкент вилояти "Давтехназорат" инспекциясида ҳар ойнинг учинчи шанбасида **«ОЧИҚ ЭШИКЛАР КUNI»** ташкил этилган.

**"Тошвилсувоқава" ОАЖ таркибидедаги шаҳар ва туман "Сувоқава" ишлаб чиқариш шўъба корхоналарининг ишлаб чиқарилган ичимлик суви ва оқава хизматларининг баҳоси Тошкент вилояти Молия бошқармаси томонидан 2014 йил 15 мартда рўйхатга олинган ва тасдиқланган ТВ-08-11-3-2014/1-сонли реестрларига асосан 2014 йил 1 апрелдан гича белгиланади:**

| Худудлар номи  | Ўлов бирлиги | Хизмат тури | Реестр ТВ-08-11-3-2014/1 15 март 2014 йил Амалдаги тарифлар ҚҚ солиғисиз олинган |                   |
|----------------|--------------|-------------|--|-------------------|
|                |              |             | Аҳоли  | бюджет ишлаб чиқ. |
| 1 Янгийўл      | 1м3          | сув         | 242  | 601 782           |
|                | 1м3          | оқава       | 158  | 273 656           |
| 2 Ангрн        | 1м3          | сув         | 440  | 835 1113          |
|                | 1м3          | оқава       | 190  | 335 485           |
| 3 Олмалиқ      | 1м3          | сув         | 235  | 535 535           |
|                | 1м3          | оқава       | 203  | 359 488           |
| 4 Оҳангарон    | 1м3          | сув         | 376  | 847 1539          |
|                | 1м3          | оқава       | 170  | 379 841           |
| 5 Бекобод      | 1м3          | сув         | 240  | 530 735           |
|                | 1м3          | оқава       | 115  | 209 209           |
| 6 Чирчиқ       | 1м3          | сув         | 238  | 1010 1010         |
|                | 1м3          | оқава       | 130  | 322 322           |
| 7 Бўстонлик    | 1м3          | сув         | 321  | 850 1167          |
|                | 1м3          | оқава       | 224  | 253 551           |
| 8 Қибрай       | 1м3          | сув         | 157  | 462 583           |
|                | 1м3          | оқава       | 160  | 353 462           |
| 9 Юқори Чирчиқ | 1м3          | сув         | 502  | 841 841           |
|                | 1м3          | оқава       | 392  | 868 877           |
| 10 Паркент     | 1м3          | сув         | 490  | 834 834           |
|                | 1м3          | оқава       | 421  | 561 561           |
| 11 Зангиота    | 1м3          | сув         | 243  | 370 626           |
|                | 1м3          | оқава       | 127  | 236 536           |
| 12 Чиғирчиқ    | 1м3          | сув         | 811  | 998 1331          |
|                | 1м3          | оқава       | 698  | 1175 1442         |
| 13 Пискент     | 1м3          | сув         | 186  | 661 661           |
|                | 1м3          | сув         | 160  | 340 370           |
| 14 Урта Чирчиқ | 1м3          | сув         | 238  | 321 483           |
|                | 1м3          | сув         | 247  | 745 745           |
| 15 Чиноз       | 1м3          | сув         | 285  | 382 635           |
|                | 1м3          | сув         | 285  | 327 573           |
| 16 Бўка        | 1м3          | сув         | 616  | 1120 1488         |
|                | 1м3          | оқава       | 282  | 580 996           |

**"КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориши тартибидеда ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!**  
Такорий аукцион савдосига Тошкент шаҳар СИБ томонидан Жиноят ишлари бўйича Юнус-обод туман судининг 21.08.2013 йилдаги №403/13-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Қўқсарой к.ф.й.да жойлашган "MAVLONBEK ALIBEK" МЧЖга қарашли ер участкасининг майдони 5,74 гадан иборат Литер 0001 дан Литер 0026 гача бўлган ферма бино ва иншоотлар қўйилмоқда. Бошланғич нархи – 833 531 140 сўм. Аукцион савдолари 2014 йилнинг 18 апрель кuni соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги ҳисоб рақамига 20208000104931635001 тўлашлари шарт. МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОН 83400. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9:30 дан 17:00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш қимосидеда савдоси ўтказилишига бир иш кuni қолганда соат 17:00 да тўхтатилади. Муурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: № 0039.

**"ALBATROS MOVII ELKAN" МЧЖга қарашли автотранспорт воситаларига:**  
1. Ўзбекистон автомобиль ва дарэ транспорта агентлиги Тошкент вилояти бўлими томонидан берилган: АТ № 1245345, АТ № 1245342, АТ № 1272930, АТ № 1272927, АТ № 1245340, АТ № 1245343, АТ № 1272931, АТ № 1272928, АТ № 1272929, АТ № 1272939, АТ № 1336438, АТ № 1337186;  
2. Тошкент вилояти йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти томонидан берилган: АТ № 0036841, АТ № 0037003, АТ № 0037156, АТ № 0037002, АТ № 0036840 рақамли лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ**  
Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 2 апрель кuni Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва эрталаб ёмғир ёғиб, момақалдирок бўлиши мумкин, кундузи ёғингарчилик бўлмайдди. Ғарбдан эсаятган шамол йўналишини ўзгариб, шарқдан секундида 5-10 метр тезликда эсади. Шамолнинг тезлиги кучайиб, секундида 12-17 метрга етиши мумкин. Кечаси 6-8, кундузи 13-15 даража илқ бўлади. Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва эрталаб ёмғир ёғиб, момақалдирок бўлиши мумкин. Ғарбдан эсаятган шамол йўналишини ўзгариб, шарқдан секундида 7-12 метр тезликда эсади. Шамолнинг тезлиги баъзи жойларда кучайиб, секундида 15-20 метрга етиши мумкин. Кечаси 3-8, кундузи 10-15 даража илқ бўлади. Республикамининг тоғли худудларида ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир, қор ёғади. Қор кўчиши хавфи бор. Ғарбдан эсаятган шамол йўналишини ўзгариб, шарқдан секундида 7-12 метр тезликда эсади. Шамолнинг тезлиги баъзи жойларда кучайиб, секундида 15-20 метрга етиши мумкин. Кечаси ва кундузи 2-7 даража илқ бўлади.

Умидли ёшларимиз

# ЭШКАК ЭШАЁТГАН ҚИЗ

Республикада байдарка ва каноэда эшак эшиш спорти қай даражада ривожланаётгани таърифлашнинг ҳолати йўқ. Юртошларимиз жаҳон

спорт ареналарида совринли ўринларни эгаллашяпти. Чирчиқ олимпия захиралари коллежи ўқувчиси Дилноза Раҳматова шулардан бири.

Украина очиқ чемпионатида олтин медал билан тақдирланди. Мураббийи Рустам Мирзадиёров меҳнатлари буй кўрсатаётганидан мамнун.

16 ёшли Дилнозанинг бу ютуқларидан ота-онаси ҳам, кишлоқдошлари ҳам хурсанд.

Бундан уч йил аввал шу коллежга келганимиздаёқ, ўзимни ҳақиқий спортчилардек ҳис қила бошлаганман, — дейди Дилноза Раҳматова. — Негаки, бу ердаги муҳит, шарт-шароитлар шу қадар ажойибки, давлатимиз биз, ёшларга яратиб бераётган улкан имкониятлар ҳақида яққол тасаввур ҳосил қилдим. Каноз мени батамом сەхралаб қўйди ва албатта, кун келиб дунё танийдиган спортчи бўламан, дея катъий аҳд қилдим.

Дилнозанинг бу нияти шунчаки ёшлик ҳаваси эмасди. Хар қалай, бунини ўрган қисқа фурсатда эришган ютуқлари исботлаб турибди. Масалан, у илк галабасини 2012 йилда Ўзбекистон очиқ чемпионатида нишонлади.

Утган йили Самарқандда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида фахрли иккинчи ўринни кўлга киритди.



Ушга йили Канадада ўтказилган Жаҳон биринчилигида совриндор бўлди.

Кулгу даргалари ҳаётининг олинган хангомалар оғиздан-оғизга кўчиб юради. Шулардан бири — Охунжон қизик ва Сулаймон буюқнинг тўйга боргани ҳақидаги латифа айникса, машҳур.

Сулаймон буюқ деганлари анчайин донгдор сўз устаси бўлган. Сўзини кўя туринг-у, бу одамнинг ўзини кўрган кишининг кулгули кистайверган. Хар тўқисда бир айб, деганларидек, қизикчининг тарвуздек буюқи бўлиб, кўзларини ола-қула қилганча нуқул осмонга қараб юраркан.

устимдан қулишяпти. — Бир оғиз сўзингиз, устоз.

Хуллас, келишилганидек, Охун қизик ариқ, чуқурча келганда хуштак чалиб, Сулаймон буюқни оғохлантириб борибди. Икковлон қоқилмай-суқилмай тўйхонага етиб олишибди.

Ҳали тўй бошланмаган экан. Санъаткорларга атаб безалган столда

риб қараса — оппоқ нишолда. Бармоқлари шира. Ноқулай аҳволга тушиб, сўзини йўқотиб қўйган қизик: "Бу аниқ буюқнинг иши!" деб бир гижинибдию, сир бой бермай, дарров гапини ўнглаб олибди.

Тўйни ўтказиб, шомга яқин икковлон ортга қайтишибди. Йўлда кетаётди, ҳалиги ҳазилнинг аламида бўлган Охунжон қизик хар икки қадамнинг бирида "фишт, фишт!" деб Сулаймон буюқни ййгирма метр жойда ўттиз марта сакратибди.

— Хой ноинсоф, шудгордан олиб кетаясанми, — дебди буюқ аччиғи келиб. — Силламини қуритвордингку, зумраша! — Яқинроқ чиқайлик, деб йўлни бошқа кўчага бурворганим, қайдан билай, эшак оёк босмас жойларакан. Мингирламай юраверинг, энди.

Охунжон қизик шундай деб, кета-кетгунча буюқни обдон сакратибди: — Фишт! Фишт!

Қўшни кишлоққа ўтаверибди олдиридан каттагина бир ўқариб чиққан экан, Охун қизик атайлаб индамабди. Сулаймон буюқнинг оёғи тийиб кетиб, лойқа сувга шалоплаб ййқилибди. Бир амаллаб ўрнидан турволган буюқ, гандирақлаб бориб, Охун қизикка ўшқирибди: — Ҳаммаёқни расво қилдингку, тагин бир марта "фишт" десанг ўларминдинг?!

Охунжон қизик пинағини бузмай жавоб қилибди: — "Фишт" демоқчидим-у, оғзим тўла нишолда эди-да...

Мухаммад АБЛО.

## Ҳангома

# НИШОЛДА



Бир куни Олтиариқ томонларга тўйга борадиган бўлишди. Йўл олдида Сулаймон буюқ ҳамроҳи Охунжон қизикча тайнлабди:

— Охун, ўғлим, биласан, борадиган жойимиз хийла олис. Дарадан ўтишимиз билан Шакарқиллоқ бошланади. Биз келаётганимизни эшитган одамлар элбурутдан кўчага чиқволишади. Сендан бир илтимос, одамлар гавжум кўчаларда кетаётганимизда олдимиздан ариқни ё ўнқир-чўнқир жой кўрингудек бўлса, яқин келганда бировга билдирмасдан "фишт" деб секин хуштак чалиб қўйсанг. Мен эҳтиётимни қилиб, ўтиб олсам. Одамлар ерни кўрмайди, деб

ўзаро гаплашиб ўтиришганда Сулаймон буюқнинг китмирилиги тугибди. Пиледа турган нишолдани ҳалидан бўён туршак чайнаб ўтирган шогирдининг олдига суриб, манзират қилибди:

— Охун, болам, манави нишолдадан еб ол. Тилингга шакар бўлади.

Охун қизик нишолдани кўпам хуш кўрмас экан. Парво қилмай, нарироқда турган пашмағу холвага қўл чўзиб, паққос тушираверибди. Шунда буюқ билдирмайгина Охун қизикнинг топони чўнтағига бир пиёла нишолдани ағдарворибди.

Охун қизик ўртага чиқиб гапирётганда, шундоқ бўлини чўнтағига солса, бир нима шилпиллаб ётганмиш. Қўлини чиқа-

## ҚИБРАЙЛИКЛАР БОШ СОВРИН СОҲИБИ



Қибрай туманидаги 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби очиқ биринчилигида мезбонлардан ташқари Чирчиқ шаҳри, Бўстонлик, Юқори Чирчиқ ва Қўйи Чирчиқ туманларининг 118 ёш боксчилари иштирок этди.

21 вазн тоифасида кечган жанглارнинг саралаш босқичи Қибрай шаҳарчасидаги "Пахтакор" ўқув машғулоти қароргоҳига қарашли бокс залида ташкил этилди. Финал беллашувларига эса "Хумо" болалар ва ўсмирлар соғломлаштириш спорт мажмуаси мезбонлик қилди.

Барча жанглари кўтаринки кайфиятда ўтказган қибрайлик ёш боксчилардан 9 нафари шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Қолган совринли ўринлар Бўстонлик ва Юқори Чирчиқ вакилларига насиб этди.

Қизлар орасида қибрайлик Феруза Кушеванинг ҳаракатлари кўпчиликлда илиқ таассурот қолдирди. Мухаммад-қодир Тўраев эса турнирнинг энг ёш қатнашчиси деб топилди.

Феруза ТЎРАЕВА.

## Жиноятга жазо муқаррар

# СОДДА МУҒАМБИРЛАР

Манноб ота Қосимов болагиданоқ аниқ мақсад, эзгу ният билан яшади. Оила қуриб, етти фарзандини уйли-жойли қилди.

Отахон шу йилнинг бошида 72 ёшини нишонлади. У кишининг неваралари эъзозидан, кўнгиа хотиржамлигида умргузaronлик қилаётганини кўрган одам ҳавас қилади. Борди-ю, Манноб ота-

Талейбой Тошев қозоғистонлик ўзбек. Яқинда 56 га киради. Қолган умрини миллатдошлари орасида ўтказиш мақсадида Зангиотага оиласи билан кўчиб келди.

Бир куни Талейбойнинг қайнисини Шуҳрат уйда тадбир ўтказди. Қариндош-уруғлар ййгилишди. Маросимга Талейбойнинг хотинини тоғаси Манноб ота ҳам келди. Талейбой билан Манноб ота бир столда "лагандош" бўлишди. Кейин чой ичиб, узoқ гурунглашишди.

Ота Талейбойнинг Қозоғистонга иш юзасидан тез-тез бориб келаётганини билгач, "ёрилди". Икки йилдан бери қандайдир дард билан оғришини, шифо-

корларнинг тавсиясига биноан "Циклодол Гриндекс" дорисини ичишини, бунини кейинги вақтларда ҳеч қаердан топмаётганини айтиб, Қозоғистондан олиб келиб беришини илтимос қилди.

Талейбой бу ишнинг охири вой бўлишини билса-да, Манноб отанинг илтимосини ерда қолдирмади. "Савоб" иш қиламан деб, Қозоғистонга кетди. У ердаги ишларини тамомлаб, отанинг илтимосига қиршиди. Сўралган воситаларни сотиб олиб, қайтиш тараддудини кўрди. Икки мамлакат ўртасидаги "Ғишт кўприк" божхона постидан ўтаётганида, ходимлар уни ашёвий далиллар

билан ушлашди. "Циклодол Гриндекс" дори воситасининг таркибидан психотроп модда кўп бўлгани боис, мамлакатимиздаги дори нардаларда сотилиши тақиқланган. Уни ташқаридан олиб кириш қатъий ман этилган. Булардан Талейбойнинг хабари бўлган, албатта. Йўқса, у "Циклодол"дан ташқари яна кўпайиб воситаларни оёқ қийими-га яшириб, Ўзбекистонга ноқонуний олиб қирришга уринмаган бўларди.

Жиноят ишлари бўйича Охангарон туман суди Зангиота туман суди биносига ўтказган очиқ ва сайёр суд мажлисида Талейбой ва Манноб отанинг ишини



## ОБЛИГАЦИЯЛАРИ СОХТА ЭКАН

Икки фарибгар чет эл компанияларидан бирини ёрдамида Ватикан банкидан кредит олишга уринишди.

Фарибгарлар яхшилаб қийинчи олиб, швейцар гвардиячиларга ўзлари билан банкда учрашув белгилангани, айти пайтда кардиналлар уларни кутаятганини айтишди. Бирок,

қабулга ёзилганлар рўйхатида эркакларнинг исм-шарифлари йўқ экан. Бундан ташқари, улар тақдим этган облигацияларнинг сохталиги фош бўлиб қолди. Шундан сўнг фи-

рибгарлар қўлга олинди. Маълум бўлишича, сохта бизнесменлар Нидерландия ҳамда АКШ фуқаролари экан. Улар илгари ҳам Осиё мамлакатларида молиявий қаллоблика гумон қилинишган. Ҳозир ушбу ишни тергов қилишга Италия полицияси ҳам жалб этилган.



## ҚЎРБОНЛАР ЙЙГИРМА КИШИДАН ОШДИ

Вашингтонда юз берган кўчки оқибатидаги қўрбонлар сони ҳақон ортиб борапти. Reutersнинг расмий маълумотиға кўра, улар 21 кишидан ошди. Шошилиш хизмат вакиллари айтишича, яқин кунларда қўрбонлар сони расмий равишда яна тўрт кишига кўпайиши мумкин. Гап шундаки, кўчки содир бўлган жойда ишлайётган қўтарувчилар топан инсон танаси қолдиқлари тахминан тўрт кишига тегишли эканлиги таъкидланмоқда. Бунга аниқлик киритиш учун жасадлар экспертизага жўнатилди.

## МИСРДА САЙЛОВ БЎЛИБ ЎТАДИ

Миср сайлов комиссияси бўлажак президент сайловлари кунини расман белгиледи, дея хабар тарқатди Reuters агентлиги.

Хабарда кўрсатилишича, сайловлар 26-27 май кунлари бўлиб ўтади. Агар унинг натижалари голибни аниқлаб бермаса, иккинчи тур сайловлар 16 ва 17 июнь кунлари ўтказилади. Овоз бериш яқунлари ўн кунлик муддат ичида расман эълон қилиниши керак. Номзодларни рўйхатга олиш душанба кунидан бошланади, 20 апрелгача давом этади. Расмий сайловотида кампанияси сайловга уч кун қолганда тўхтатилади.

Мамлакатнинг аввалги президенти Мухаммад Мурсий 2013 йилнинг бошида оммавий намоийлар натижасида лавозимидан четлаштирилганди. Ҳозир Адли Мансур мамлакатнинг муваққат президенти ҳисобланади. У Мурсий лавозимидан кетмасидан илгари Конституциявий суд раиси вазифасини эгаллаб турганди.



## МУХОЛИФАТ КЎПРОҚ ОВОЗ ОЛДИ

AFP агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, "Халқ ҳаракати иттифоқи" муҳолифатдаги ўнг марказчи партия вакиллари Францияда ўтказилган муниципал сайловларнинг иккинчи турида голиб чиққанларини эълон қилишди.

Reuters агентлиги Франция социологик маркази маълумотларига таяниб хабар беришича, "Халқ ҳаракати иттифоқи" партияси 49 фоиз овоз олди. Айни пайтда Францияда ҳукумат бўлган социалистик партияга сайловчиларнинг 42 фоиз овоз берди. Иккинчи турда овоз бериш ҳуқуқига эга фуқароларнинг 62 фоизи қатнашди. Бу мамлакатдаги муниципал сайловларда қайд этилган энг паст кўрсаткичдир. Биринчи тур сайловларда ҳам 65 фоиз фуқаро қатнашган эди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

## Сураткаш ҳазили



— Кишдан чиққач, энг текис йўл шу бўлиб қолди...

|  |  |   |   |  |   |
|--|--|---|---|--|---|
| <p><b>ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ</b><br/><b>ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА</b><br/>Муассис:<br/><b>Тошкент вилояти ҳоқимлиги</b></p> | <p>Бош муҳаррир<br/><b>Убайдулла АБДУШОҲИДОВ</b></p> | <p>Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мабуотчилар кўчаси, 32.<br/>e-mail: th.tp@mail.ru</p> | <p>Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).<br/>Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.<br/>Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.<br/>Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.</p> | <p>Тошкент вилояти Мабуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.<br/>Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.</p> | <p>Набатчи муҳаррир<br/><b>Равшан ЁҚЎБЖОНОВ</b><br/>Набатчи<br/><b>Наргис ҲАСАНОВА</b><br/>Саҳифаловчи<br/><b>Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ</b></p> |
|--|--|---|---|--|---|

Белгили материаллар — тижорат материаллари. "ЎЗБЕКISTON" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмаҳонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 18.15.